

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛЛАНАЗАРОВ БЕКМУРОД ДАВЛАТМУРАТОВИЧ

**ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 338.33.(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Олланазаров Бекмурод Давлатмуратович

Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш
стратегияси ва устувор йўналишлари 3

Олланазаров Бекмурод Давлатмуратович

Стратегия и приоритетные направления повышения инвестиционной
активности в сфере туристических услуг 29

Allanazarov Bekmurod Davlatmurotovich

The strategy and priority directions of increasing investment
activity in the field of tourism services 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛЛАНАЗАРОВ БЕКМУРОД ДАВЛАТМУРАТОВИЧ

**ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt256 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салаев Санъатбек Комилович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тухлиев Искандар Суюнович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Турсунов Фарход Умирзоқович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (998 66) 233-19-84, (998 66) 233-12-53, e-mail: info@edu.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9-уй. тел.: (99866) 233-34-76, e-mail: info@edu.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., доцент

Н.Э.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н.

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган глобаллашув жараёнлари шароитида туристик хизматлар соҳасида, айниқса, бизнес-саёҳатлар, экотуризм, агротуризм, гастрономик туризм каби янги туризм йўналишларида инвестицион фаолликнинг тез суръатлар билан ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда. Дарҳақиқат, туризм секторида инвестицион фаоллик барқарор ошиб бормоқда. Бугунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) маълумотларига кўра, «2017 йилда ушбу соҳада 313 млн. та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, улар жаҳон хўжалигида яратилган янги иш ўринларининг 1/10 қисмини ташкил қилган бўлса, 2028 йилга бориб дунёнинг фақат 4 та мамлакатида яъни ХХР, Ҳиндистон, Индонезия ва АҚШда туристик хизматлар соҳасида яратиладиган янги иш ўринлари 414 млн. тага етиши башорат қилинган. Агар 2017 йилда соҳанинг дунё ЯИМдаги улуши 10,4 % ни, унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2028 йилга бориб мос равишда 11,7 % ёки 12,5 трлн. АҚШ долларига етиши кутилмоқда»¹. Бугунги кунда туризм соҳасида инвестицион фаолликнинг барқарор ошиб бориши янги ишчи ўринларини яратишга ва унга турдош бўлган тармоқларни ҳам ривожлантиришга кенг имкониятлар яратмоқда.

Жаҳонда туристик хизматлар соҳасини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш, инвестициялаш усуллари ҳамда уларни истиқболли ва юқори технологияларга асосланган тармоқларга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш йўналишларида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туристик хизматлар соҳасининг ривожланиш йўналишларини белгилаш ва миллий иқтисодиётда туризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда туризм индустриясига инвестицияларни жалб қилиш, кичик туристик зоналарни ва туристик кластерларни ташкил этиш ҳамда туризмнинг иқтисодиётдаги мультипликатив самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Ўзбекистонда ҳам туризм барқарор равишда ривожланиб, 2017 йилда мамлакатимизга қарийб 2,7 млн., 2018 йилда 5,3 млн. дан ортиқ турист ташриф буюрган бўлиб, 2025 йилда республикамизга келадиган хорижий туристлар сонини 7,0 млн. га ва туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни кучайтириш зарурлигига тўхталган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Туризм учун босқичма-босқич ҳамма шароитларни яратяпмиз, инвесторларга, ишбилармонларга кенг имкониятлар беряпмиз. 2019 йил туризм ривожидида туб бурилиш йили бўлади»², деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, «яқин келажакда туристик хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни

¹ <https://www.interfax.ru/business/605743>

² <https://zamin.uz/uzbekiston/47759-shavkat-mirzиеv-2019-yil-turizm-rivojida-tub-burilish-yili-buladi.html>

диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш орқали туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш»³ устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинганлиги сабабли туризм секторининг инвестицион жозибадорлиги ва фаоллигини оширишни тадқиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимизда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни жалб этиш кўлами ҳамда туристик объектлар атрофидаги инфратузилмаларни ривожлантириш, маданий мерос ва археологик объектларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш, соҳани стратегик секторга айлантиришни жадаллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон Фармони, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони, 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон Фармони, 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сон Қарори, 2019 йил 5 январдаги «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4095-сон Қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция ва инвестицион жараёнлар билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича иқтисодиёт соҳасидаги хорижлик олимлардан У.Шарп, Е.Альтман, Л.Брю, Р.Дорнбуш, А.Кульман, Р.Макконелл, Р.Шмалензи⁴, МДХ олимлардан М.А.Акимова, Л.С.Валинурова, В.А.Гамза, М.В.Грачева, И.В.Гришина, О.Б.Казакова, В.М.Серов⁵ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони//lex.uz

⁴ У.Ф.Шарп, Г.Дж.Александр, Дж.В.Бэйли. Инвестиции. - М.: ИНФРА-М, 1999. - 1028 с.; Е.Altman, Е. Hotchkiss. (2006) "Corporate Financial Distress and Bankruptcy: Predict and Avoid Bankruptcy, Analyze and Invest in Distressed Debt", John Wiley & Sons; 3rd Edition, 368 p.; К.Макконелл, С.Л.Брю. Экономика: принципы, проблемы и политика. - М.: Экономика, 1992. Т. 2. С. 171.; А.Кульман. Экономические механизмы: Пер с франц. М.: Прогресс «Универс», 1993.; Р.Дорнбуш, С.Фишер. Макроэкономика. М.: ИНФРА-М, 1997.; Р.Шмалензи. Экономика. - М.: Изд-во «ДЕЛО», 2002. - 355 с.

⁵ М.А.Акимова, Д.А.Рубан. Экстремальный туризм: совершенствование классификации // Географический вестник. - 2016. - № 1. - С. 95-103.; Л.С.Валинурова, О.Б.Казакова. Инвестирование: учебник для вузов. - М.: ВолтерсКлувер, 2010. - 448 с. В.А.Гамза. О системе финансирования среднего и малого предпринимательства //

Туризм ва меҳмонхона соҳасига инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион жозибадорликни ошириш масалалари В.И.Азар, Е.И.Богданов, В.С.Боголюбов, Е.С.Богомоллова, М.А.Боков, И.В.Зорин, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, М.Б.Биржаков, А.Д.Чудновский⁶ каби хорижлик олимлар илмий ишларида тадқиқ этилади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари К.Х.Абдурахмонов, Н.Т.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, М.Э.Пўлатов, М.Р.Болтабоев, Қ.Ж.Мирзаев, Б.Н.Навруз-зода, З.Дж.Адилова, М.Т.Алиева, А.Н.Норчаев, О.Ҳ.Ҳамидов, Б.Ш.Сафаров, Б.Х.Тўраев, М.Т.Алимова, Н.Э.Ибадуллаев, У.Р.Матёкубов, С.С.Рўзиев, Д.З.Норқулова, А.К.Алымовларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.⁷

Инвестиция сиёсати, инвестицион фаолият ва фаоллик, мамлакат ва минтақаларга инвестицияларни жалб қилишнинг назарий-услубий ва илмий муаммолари республикамиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Д.Ғ.Ғозибеков, Ж.Р.Зайналов, Ш.Э.Эргашева, Ш.И.Мустафақулов, И.И.Эргашев ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган⁸.

Финансы и кредит – 2004. - №4. Количественные методы в экономических исследованиях/ Под. ред. М.В. Грачевой. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. И.В.Гришина. Региональные особенности инвестирования в современной России: методология и результаты исследования // Финансы и кредит. 2006. М9 6. 43. В.М.Серов. Инвестиционный менеджмент: Учебное пособие. М.: Инфра-М. 2000.

⁶ В.И.Азар. Экономика и организация туризма. М.: Профиздат, 1993.; Е.И.Богданов, Е.С.Богомоллова, В.П. Орловская. Экономика отрасли. Туризм: учебник. - М.: ИНФРА - М, 2013. - 318 с.; В.С.Боголюбов, С.А. Быстров, С.А.Боголюбова. Экономическая оценка инвестиций в развитие туризма. Уч. пос. М.: Академия 2009.; М.А. Боков. Стратегическое управление рекреационными предприятиями в условиях переходной экономики. СПб., 2001.; И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. Туризм как вид деятельности // Учебник. М.: ФиС. 2005. – 288с.; Н.И.Кабушкин. Менеджмент туризма: учебник / 6-е изд., стер. - Мн.: Новое издание, 2006. - 408 с.; М.Б.Биржаков, В.И.Никифоров. Индустрия туризма: Перевозки СПб.: Издательский дом Герда, 2007. - 528 с.; А.Д.Чудновский. Управление индустрией туризма России в современных условиях: уч. пособие. М.: КНОРУС, 2007. - 416 с.;

⁷ К.Х.Абдурахмонов. Менеджмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте, 2013. – 248 с.; Н.Т.Тухлиев, Т.Абдуллаева. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. -Т.: Гос. Науч. Изд. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2006. - 386 с.; М.Қ.Пардаев. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод ва молия” 2008. – 262 б.; М.Р.Болтабоев, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, С.А.Абдухамидов. Туризм: назария ва амалиёт” фанидан дарслик. – Т.: “Фан ва технология”. 2018-412 б.; М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. С.: Зарафшон 2007. – 299 б.; М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев, Ш.А.Султонов, Э.Шавкиев. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б.; Б.Н.Навруз-зода ва бошқалар. Туристтик худуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2017 – 156 б.; Z.D.Adilova, M.T.Aliyeva, A.N.Aliyeva, A.N.Norchayev, K.M.Xursandov. Turizm menejmenti. O'quv qo'llanma. – Т.:TDIU, 2011. – 116 б.; О.Ҳ.Ҳамидов. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (DSc) дисс. автореферати. Самарқанд, 2017; Б.Х.Тураев. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. - Т.:Фан, 2009., М.Т.Алимова. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. – 300 б.; Н.Э.Ибадуллаев. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самардорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқт.фан.ном. дисс. автореферати. Самарқанд, 2010.; У.Р.Матёкубов. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самардорлигини ошириш йўналишлари ва истикболлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқт.фан.ном.дисс.автореф. Самарқанд, 2011; С.С.Рўзиев. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари. Иқт. фан...дисс. – Тошкент, 2009; Д.З.Норқулова. Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. (Ph.D) фалсафа доктори. дисс. автореф Самарқанд, 2018; А.К. Алымов. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Самарқанд, 2018.

⁸ С.С.Ғулямов, Н.Х.Жумаев, Д.А.Рахмонов, М.М.Ташходжаев. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самардорлиги. Монография. - Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 203 б.; Д.Ғ.Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.; J.R.Zaynalov, S.S.Aliyeva, Z.Q.Axrorov va boshqalar. Moliya: Korxonalar moliyasi. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 268 б.; Ш.Э.Эргашева, А.У.Узоков. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 208 б.; Ш.И.Мустафақулов. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. Т.: Baktriya press, 2017. - 320 б.; И.И.Эргашев. Хизмат кўрсатиш

Бирок ушбу тадқиқотларда республикамизда ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган Хоразм вилоятида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича яхлит илмий изланишларнинг етарлича амалга оширилмаганлиги диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақани комплекс ривожлантириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади ҳамда 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017-09202 “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудуднинг туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишларини асослаш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида мавзуга оид бир қанча иқтисодий категорияларнинг моҳиятини очиб бериш ва таърифларини такомиллаштириш;

Хоразм вилояти туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегиясини ҳудуднинг жаҳон туристик бозоридаги илмий-маърифий марказ сифатидаги ижобий имижини яратиш тадбирларини белгилаш орқали такомиллаштириш;

туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион стратегияни шакллантириш ва амалга оширишни барқарор ҳамда потенциал имкониятга эга кичик туристик ҳудудларнинг фаолиятини уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш;

Хоразм вилояти туристик хизматлар соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларни ягона комплекс ахборот тизимига киритиш имконини берувчи “Туризм соҳаси субъектлари онлайн жамияти”ни ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

давлат хусусий шерикчилиги (ДХШ) асосидаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ДХШ лойиҳаси бюджет самарадорлиги ҳамда тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштириш;

Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолатини, соҳада инвестицион фаолликни оширишнинг ташкилий-

иқтисодий омиллари, ички заҳира ва имкониятлари, шарт-шароитларини баҳолаш асосида ҳудудда туризмни ривожлантириш тенденция ва йўналишларини таклиф этиш;

ҳудудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш тамойиллари ва ёндашувлари асослангани ҳолда хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни таҳлил қилишнинг комплекс услуби ёрдамида жойларда туризмда инвестицион фаолликни баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

ҳудудда туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари, мавжуд муаммоларни ижтимоий-социологик сўровлар орқали баҳолаш;

туризмга кластер ёндашуви асосида ҳудудларда инвестицион фаолликни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон, жумладан Хоразм вилоятидаги туристик хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини туристик хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолликни ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракт-мантикий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, ижтимоий сўровнома, статистик, иқтисодий, қиёсий таҳлил каби баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ҳудуднинг жаҳон туристик бозоридаги илмий-маърифий марказ сифатидаги ижобий имижини яратиш тадбирларини белгилаш орқали такомиллаштирилган;

туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш барқарор ҳамда потенциал имкониятга эга кичик туристик ҳудудларнинг фаолиятини уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

Хоразм вилояти туристик хизматлар соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларни ягона комплекс ахборот тизимига киритиш имконини берувчи “Туризм соҳаси субъектлари онлайн жамияти”ни ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган;

давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ДХШ лойиҳаси бюджет самарадорлиги ҳамда тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган ва соҳада инвестицион фаолликни оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, ички заҳира ва имкониятлари, шарт-шароитларини баҳолаш асосида ҳудудда туризмни ривожлантириш тенденциялари ва йўналишлари таклиф этилган;

худудларнинг туристик салоҳиятини баҳолаш тамойлари ва ёндашувлари асослангани ҳолда хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни таҳлил қилишнинг комплекс услуги ёрдамида жойларда туризмда инвестицион фаолликни баҳолаш бўйича кўникма ва малакаларни ошишига эришилган;

худудда туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари, мавжуд муаммолари ижтимоий сўровномалар орқали баҳоланиб, кластер ёндашуви асосида туризмда инвестицион фаолликни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ДХШ механизми асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш бўйича инновацион ривожланиш йўналишлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар орқали, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг статистик маълумотлари ва даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлиллار ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг ижтимоий сўровномалар, математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, худудларда туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар Хоразм вилоятига хорижий ва миллий туристлар оқимининг ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишда туризм ролининг ошишида, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти худудда туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш орқали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш, соҳада инвестицион фаолликни ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш ва Инвестициялар бўйича давлат қўмиталари тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

худуднинг жаҳон туристик бозоридаги илмий-маърифий марказ сифатидаги ижобий имижини яратиш тадбирларини белгилаш орқали Хоразм вилояти туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш

стратегиясини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 01-22/3891-сон далолатномаси). Ушбу таклифни қўллаш асосида ҳудудда туризм соҳасининг самарали ривожланишига эришилган;

барқарор ҳамда потенциал имкониятга эга кичик туристик ҳудудларнинг фаолиятини уйғунлаштириш асосида туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 01-22/3891-сон далолатномаси). Натижада минтақадаги туризм соҳасидаги инвестицион фаолликни янада оширишга эришилган;

Хоразм вилояти туристик хизматлар соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларни ягона комплекс ахборот тизимига киритиш имконини берувчи “Туризм соҳаси субъектлари онлайн жамияти”ни ташкил этиш тартиби бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 01-22/3891-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ҳудуднинг туристик салоҳияти ва соҳада инвестицион фаолликни янада оширишга имкон берган;

ДХШ лойиҳаси бюджет самарадорлиги ҳамда тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини интеграллаш асосида ДХШ асосидаги туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 21 майдаги 01-22/3891-сон далолатномаси). Мазкур баҳолаш тартибининг амалиётга жорий этиш натижасида ДХШ асосида ҳудудларда туризм зоналарини яратиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 6 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 10 та мақола (5 та республика ва 5 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолликни оширишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида туризм соҳасида инвестицион фаолликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурлиги таҳлилига асосланган ҳолда туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликнинг турли илмий, назарий ва услубий ёндашувлари амалга оширилган. Туристик хизматлар кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг илғор хорижий усулларини мамлакатимиз иқтисодиётига жорий қилиш бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, юртимизда инвестицион фаолиятни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари атрофлича ўрганилган.

Бугунги кунда, тез ва қисқа муддатда катта самара бераётган туризм жаҳон хўжалиги етакчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган бўлсада, унинг инновацион-инвестициявий ривожланиши асосида соҳада дунё ва ички туризм хизматлар бозорида рақобатбардошликни таъминлашга эришиш зарур. Айнан шунинг учун ҳам туристик хизматлар кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, соҳада инвестицион фаолликни ошириш бўйича тадқиқотлар олиб боришга зарурат туғилмоқда.

Туризм соҳасида “инвестиция фаолияти” деганда қўйилган стратегик ва оператив мақсадларга эришиш учун инвестицион ресурсларни узлуксиз шакллантириш ва улардан фойдаланиш тушунилади.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг дастлабки - инвестиция олди босқичи, фикримизча нисбатан кўп фарқли белгиларга эга, чунки у кейинги инвестициялаш ва фойдаланиш босқичларини амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини асослайди ва уни асосли прогностлашга имкон беради.

Инвестиция олди босқичи инвестиция қўйилувчи туристик объектга инвестицияларни йўналтириш ғояларини шакллантиришни, нисбатан самарали инвестиция ғояларини излашни, инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг тижорий ва ижтимоий нафларининг дастлабки таҳлилин, шунингдек, лойиҳани амалга оширишнинг туристик ресурсларга, минтақанинг такрор ишлаб чиқариш тизимига, атроф муҳитга таъсир оқибатларини баҳолашни назарда тутса, инвестициялаш босқичи эса лойиҳа ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бизнес режага биноан босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутди. Туробъектни фойдаланишга топшириш ва фаолият кўрсатиш босқичи ўз навбатида объектни доимий фойдаланишга қабул қилиш, кафолатлаш, сервисни ташкил этиш, туробъектни такомиллаштириш ва

ҳаётий циклини узайтириш бўйича инновацияларни киритиб бориш яъни янги объект ташкил этишни режалаштириш жараёнларини ўз ичига олади.

Туризм соҳасига ёки минтақага инвестицияларни жалб қилиш бевосита мавжуд инвестицион фаоллик билан боғлиқ эканлигини инобатга олган ҳолда унинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш мазкур тадқиқот ишида ўзига хос аҳамият касб этади. Бугунги кунда инвестицион фаолият масалаларига бағишланган илмий ишларда “инвестицион фаоллик” категориясига турли хил ёндашувлар мавжудлиги ушбу иқтисодий категорияни шарҳлаш билан боғлиқ муаммоларни юзага чиқаради. Шу сабабли, бир қатор олимларнинг ёндашувларини таҳлил қилган ҳолда ўзига хос илмий таърифни таклиф этамиз.

Диссертацияда инвестицион фаоллик ва туризмда инвестицион фаоллик категорияларининг моҳиятини очиб берувчи бир қатор назарий ва услубий ҳолатлар асослаб ўтилган. Шунингдек, амалга оширилган таҳрир назарий ва амалий жиҳатдан “инвестицион фаоллик” категорияси моҳиятининг қанчалик кўп қиррали ва мураккаб иқтисодий категория эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга барча кўриб чиқилган, инвестицион фаолликнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи тавсифлар ўзаро чамбарчас боғланганлиги ва бу категориянинг иқтисодий моҳиятини аниқлашда эса уларни бир бутунлигича акс эттиришни тақозо қилади.

Фикримизча, туризм соҳасида “инвестицион фаоллик” - иқтисодий категория сифатида, туризм соҳасида инвестициялар ҳажмининг ўсиши ва таркибининг такомиллашувини, ижтимоий-иқтисодий тизим яхшиланишини таъминловчи, мамлакатнинг аниқ бир ҳудудига хос бўлган турли даражадаги омиллар таъсири остида ўзгарадиган инвестицион фаолият жадаллашуви кўрсаткичларини ифодаловчи объектив жараён дир.

Таклиф қилинаётган таъриф бошқа олимлар томонидан келтирилган таърифларни умумлаштириш ва тўлдиришга, шу билан биргаликда инвестицион фаоллик иқтисодий категориясининг моҳиятини янада тўлароқ, аниқроқ ва тушунарли талқин қилинишига имкон беради.

Диссертацияда хорижий давлатларда кенг қўлланиладиган ва Ўзбекистон туризм соҳаси шароитига мослаштирилган инвестициялаш лойиҳасини кредитлаш, лойиҳада ҳамкорликда иштирок қилиш (қўшма корхона ташкил этиш), фонд бозоридаги портфель инвестициялар, бошқарувга шартнома тузиш каби вариантларини қўллаш таклиф қилинган.

Барча вариантларни таҳлил қилингани ҳолда миллий тадбиркор учун ҳам хорижий инвесторлар учун ҳам маблағларни диверсификациялашда жуда қулай шакл бўлган туристик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бошқарувга шартнома тузиш, минтақавий холдинг компания, мулкка эгалик ҳуқуқсиз бошқарув (назоратнинг давомийлиги), пудратчини рағбатлантириш, корпоратив шартномаларни такомиллаштириш, транспорт компаниялари, саноат фирмалари каби шаклларида самарали фойдаланиш таклифи берилган.

Барча соҳалардаги каби хизмат кўрсатиш тармоқларида, хусусан, туристик хизматлар соҳаси ва бозорида давлат томонидан инвестиция

сиёсатини мувофиқлаштиришдан воз кечиш ёки соҳага етарлича эътибор қаратмаслик, аксарият ҳолларда мазкур соҳада беқарорликни келтириб чиқарди: яъни, туристик хизматлар талаби ва таклифининг номуносивлиги; ижтимоий ва тижорий туризм ривожланиши ўртасидаги ханузгача давом этаётган ноаниқлик; туристик хизматлар нархларининг муттасил ошиб бориши ва ҳ.к. Шу сабабли, айнан туризм мажмуаси туристик хизматлар соҳаси учунгина эмас, балки бутун иқтисодиёт тармоқларида инвестиция сиёсатини тартибга солиш мақсадга мувофиқ⁹.

Шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби туристик хизматлар соҳасини ҳам ҳар қандай мамлакатни ривожлантириш комплекс режасининг таркибий қисми сифатида ёндашиш кераклиги айнан Гаагадаги халқаро парламентлараро туристик конференцияда дастлаб қайд қилиб ўтилган эди.¹⁰

Шу туфайли мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш ва тартибга солиш, хорижий тажрибаларни кенг қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилган Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унда иқтисодиётда биринчи марта туризм соҳасига стратегик сектор мақомининг берилишига эътибор қаратилди ва фармон ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бирига айланди. Бундай стратегик ёндашув туризмни барча ҳудудларини ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантирди.

Диссертацияда миллий иқтисодиётнинг устувор таркибий қисми бўлган туризм соҳасини жадал ривожлантириш концепциясини давлат томонидан тартибга солишни мувофиқлаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Туристик хизматлар мажмуасини давлат томонидан тартибга солиш тизимли тавсифга эга бўлиб, ўз ичига горизонтал ва вертикал йўналишлардаги умуммиллий, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Моделнинг макроиқтисодиёт даражадаги вазифалари туризм соҳаси қонунчилик базасини яратиш (“Туризм индустриясини қўллаб-қувватлаш”, “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги каби) ёки мавжудларини такомиллаштириш, ташувчилар тарифларини тартибга солиш, мавсумлар орасида санатория-курорт ёки бошқа экскурсион объектларни дотациялашни назарда тутса, ҳудудий тадбирлар ҳудудлараро ўзаро кадрлар тайёрлаб бериш, туристлар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш, солиқ ёки божхона тартибга солишини, маҳаллий даражадаги чоралар эса ҳудуднинг жаҳон туристик бозоридаги илмий-маърифий марказ сифатидаги ижобий имижини яратиш,

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Инвестиция ва ташки савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5643-сон Фармони

¹⁰ <https://www.e-unwto.org>

турмаданиятни шакллантириш, инфратузилмавий кўллаб-қувватлаш каби-ларни ўз ичига олади.



1-расм. Туризм соҳасини жадал ривожлантириш концепциясини давлат томонидан тартибга солишни мувофиқлаштириш модели¹¹

Диссертациянинг «Худудда туризм соҳасининг инвестицион фаоллиги ва жараёнлари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Хоразм вилоятида туризм соҳаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ҳамда унинг ҳудудларида туристик салоҳиятни ва соҳада инвестицион фаолликни баҳолаш, шунингдек инвестицион фаолликни ошириш муаммолари ва омиллари каби масалалар тадқиқ қилинган.

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг кўпгина минтақалари каби туризмни ривожлантириш бўйича етарли даражада салоҳиятга эга бўлиб, бугунги кунда вилоятда туризмни ривожлантириш асосий ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳисобланган ишсизликни бартараф этиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишдаги истиқболли йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Диссертацияда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларида туризмнинг мавжуд асосий устунликларидан самарали фойдаланиш мақсадида, айниқса, тарихий-маданий, гастрономик, экологик, агро, зиёрат, тиббий, спорт, илмий, таълим туризми турларини ривожлантириш, туристик салоҳияти юқори бўлган қўшни вилоятлар ва давлатларнинг ҳудудлари билан ўзаро самарали бўлган туристик маршрутларни ташкил қилиш тавсия қилинади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши натижаси-

¹¹ Муаллиф илмий тадқиқотлари асосида шакллантирилган

да туризм хизматларининг вилоят ЯХМдаги улуши ҳам ошиши таъминланган. Хусусан 2000 йилда туристик хизматларнинг вилоят ЯХМдаги улуши 1 фоизга ҳам етмаган бўлса, 2015 йилга келиб 2,6 фоизни, 2018 йилга келиб эса 7,6 фоизни ташкил этган. Шундан 2015 йилда хорижий туристларга кўрсатилган хизматларнинг вилоят ЯХМдаги улуши 1,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 4,5 фоизни ташкил қилган. Ўз навбатида маҳаллий туристларга кўрсатилган хизматларнинг ЯХМдаги улушини 2015 йилда 0,8 фоиздан 2018 йилга келиб 3,1 фоизга оширишга эришилган.¹²

Янада яхшироқ натижага эришиш мақсадида фикримизча, туристик хизматлар зонаси ёки муайян ҳудудда туризм барқарор ривожланишини таъминлашда унга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражаларини бешта йирик гуруҳларга таснифлаш лозим: табиий, бозор, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий.

Туристлик зонани ташкил қилишда табиий омилларни инобатга олиш жараёни ўз ичига ҳудудни экологлар, архитекторлар томонидан ташкил қилиниши режалаштирилаётган зонани геоахборат тизими асосида аэрофотосуръатлари, тарихий-маданий обидаларнинг топографик карталари, уч ўлчамли компьютер моделлари, аналитик технологик режалаштириш ёрдамида ташқи тузилиш тавсифларини ўрганишни қамраб олади.

Хоразм вилояти мамлакатдаги асосий туристик масканлардан бири сифатида қаралиб келинишини инобатга олган ҳолда вилоят туризм салоҳиятининг қиёсий таҳлили келтириб ўтилган (1-жадвал).

1-жадвал

Туризм салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни шакллантиришда вилоятнинг ўрни¹³ (2017 йил ҳолатига)

	Фаолият турлари бўйича туристик фирма ва ташкилотлар сони		Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш объектлари сони	Санатория-курорт муассасалари объектлари сони	Дам олиш масканлари ва туристик базалар объектлари сони
	Туроператорлар	Турагентлар			
Ўзбекистон Республикаси	561	80	816	193	298
Хоразм вилояти	6	2	53	4	14
Вилоят улуши (%)	1,6	2,5	6,5	2,1	4,7

Туристлик фирма ва ташкилотларнинг фаолият турлари бозор, иқтисодий ва ижтимоий омиллар бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра республикада туроператорлар жами 561 тани, жами турагентлар эса 80 тани ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичлар вилоятда мос равишда 6 ва 2 тани ташкил қилиб, жамига нисбатан 1,6 ва 2,5 фоизни ташкил қилади ва бу вилоятнинг туристик салоҳиятини инобатга олганда анча паст эканлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, диссертацияда маҳаллий туристлар динамикаси ўзгаришига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, 2015-2018 йилларда маҳаллий турист-

¹² www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий сайти маълумотлари

¹³ Ўша жойда: қаранг

лар сони 67 мартага ошганлигини кузатиш мумкин. Натижада маҳаллий туризм бўйича тушум 4,69 млрд. сўмдан 265,4 млрд. сўмга ошиши кузатилди.

Бироқ ҳар бир маҳаллий туристга тўғри келадиган тушум бўйича таҳлилга кўра мазкур кўрсаткич келтирилган йиллар давомида 205702 сўмдан 173412 сўмга камайган. Агар йиллар бўйича инфляция даражасини инобатга олган ҳолда қараб чиқиладиган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг реал қийматида фарқни янада ошишини кузатиш мумкин. Туристлар сонидаги кескин ошишни инобатга оладиган бўлсак, мазкур ҳолатни туристик маҳсулотлар бозорида рақобатнинг кучайиши натижасида нархларнинг пасайиши ёки асосиз равишда ошишини олдини олиниши натижаси сифатида қараш мумкин.

Халқаро туризмнинг ривожланиши бўйича келтирилган статистик маълумотлар кўрсатишича, 2015 йилда вилоятга жами 40825 нафар турист ташриф буюрган бўлиб, умумий тушум 99,5 миллиард сўмни ташкил қилган. 2018 йилга келиб мазкур кўрсаткичлар мос равишда 123210 нафарни ва 394,3 миллиард сўмни ташкил қилган. Бундан кўринадикки хорижий туристлар сони 3,0 баробарга, улардан тушган тушум эса 4,0 баробарга ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Хоразм вилоятида 2015-2018 йилларда халқаро туризмнинг ривожланиш динамикаси¹⁴

	2015	2016	2017	2018	2019 (прогноз)
Турист сони (киши)	40825	46600	60700	123210	158000
Тушум (млрд.сўм)	99,5	109,7	133,7	394,3	657,2
ЯХМдаги улуши (%)	1,7	1,6	1,6	4,5	6,3

Ҳар бир туристга тўғри келадиган тушум миқдори 2015 йилда 2437232 сўмни 2018 йилда эса 3200227 сўмни ташкил қилиб, тушум миқдори 1,3 баробарга ошиши таъминланган.

Бироқ мазкур кўрсаткични АҚШ доллариди, айниқса инфляция даражасини эътиборга олиб ҳисобланадиган бўлса ҳар бир туристга тўғри келадиган тушум миқдорини маҳаллий туризмдаги каби камайганлигини кузатиш мумкин.

Диссертацияда туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, туризм субъектлари ўртасида инвестицион фаолликни ошириш ва мавжуд ҳолатга баҳо бериш мақсадида ўз ичига 20 дан ортиқ саволлардан иборат ижтимоий анкета сўровномаси ўтказилган. Ижтимоий сўровномада Хоразм вилоятининг асосан туристик салоҳияти юқори бўлган Хива ва Урганч шаҳарлари, Хазорасп, Қўшқўпир, Боғот, Янгиариқ туманларидаги 100 дан ортиқ туристик хизматлар соҳасида фаолият юритаётган субъектлар раҳбар ва ходимлари, кадрлар тайёрлаш олий ва ўрта махсус таълим муассасалари экспертлари иштирок қилишган.

Ижтимоий сўровлар натижаларига кўра, Хоразм вилояти туристик салоҳияти ва бугунги кунда туризмнинг ривожланиш ҳолати бўйича меҳмон-

¹⁴ Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

хона хўжалиги ривожланиши (сони ва хизматлар сифати) даражасининг пастлиги, кўпгина туристик ёдгорликлар инфратузилмаси объектларининг эскириши ва емирилиши ҳолати ҳамда бундай зарур туризм инфратузилмаларининг хали етарли шаклланмаганлиги, махсус йўналтирилган туристик инфратузилмалар ва улар учун махсус тайёрланган кадрларнинг етишмаслиги ёки паст даражаси, туристик субъектларнинг, айниқса, туризм энди кириб бораётган ҳудудлардаги турсубъектларнинг конъюктуравий турахборотлар билан таъминлашнинг суствлиги, доиравий “олтин халқа” турмаршрутларининг етарли даражада шаклланмаганлиги, турмаҳсулотларни сотиш, реклама қилиш бўйича ҳаракатларнинг камлиги, уларни мувофиқлаштиришнинг талаб даражасида эмаслиги, вилоятнинг республикамиз туристик марказларидан узоқдалиги каби муаммолар аниқланган.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида 2019-2020 йилларда вилоятда маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан жами қиймати 747,6 млрд. сўм миқдоридаги маҳаллий инвестициялар (шундан, тадбиркорларнинг ўз маблағлари 275,5 млрд. сўм, банк кредити 175,9 млрд. сўм) ва 35,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 100 та лойиҳанинг амалга оширилиши ҳамда 1 665 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилди.

3-жадвал.

Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича тармоқлар кесимида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, млн.сўмда¹⁵

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа сони	Лойиҳа қиймати	Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича			Яратилган янги иш ўрни
				Ўз маблағлари	Банк кредитлари	Хорижий инвестициялар	
Вилоят бўйича жами 8 та йўналиш		66	1149695,0	105436,8	75981,0	121000,0	942
1	Транспорт инфратузилмаси соҳасини ривожлантириш	9	8935,0	3294,0	5641,0	0,0	27
2	Экотуризм соҳасини ривожлантириш	5	3960,0	3440,0	520,0	0,0	71
3	Агротуризм объектлари ташкил этиш	1	100,0	100,0	0,0	0,0	3
4	Меҳмонхоналар фаолиятини ташкил этиш	37	1122890,0	91000,0	63890,0	121000,0	762
5	Ҳунармандчилик марказлари ва савдо шаҳобчалари ташкил этиш	4	9330,0	5000,0	4330,0	0,0	41
6	Оилавий уй меҳмонхоналарни ташкил этиш	5	950,0	750,0	200,0	0,0	12
7	Гастрономик туризм йўналишини ривожлантириш	3	1850,0	1850,0	0,0	0,0	12
8	Туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш	2	1680,0	2,8	1400,0	0,0	14

¹⁵ Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Ушбу лойиҳаларнинг Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича тармоқлар кесимидаги таҳлилини 3-жадвалда кўриш мумкин.

Бу жадвалга кўра, транспорт инфратузилмаси бўйича 9 та 8935,0 млн. сўмлик, экотуризм бўйича 5 та 3960,0 млн. сўмлик, агротуризм бўйича 1 та 100,0 млн. сўмлик, меҳмонхоналар ташкил қилиш бўйича 37 та 1122890,0 млн. сўмлик, хунармандчилик бўйича 4 та 9330,0 млн. сўмлик, оилавий уй меҳмонхоналарни ташкил қилиш бўйича 5 та 950,0 млн. сўмлик, гастрономик туризм бўйича 3 та 1850,0 млн. сўмлик, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича эса 2 та 1680,0 млн. сўмлик лойиҳалар амалга оширилади.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сони ва географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2018 йил давомида жами 136 та мамлакатдан 1653665 нафар туристлар ташриф буюриб, шундан 123 210 нафар хорижий туристлар ва 1530455 нафар маҳаллий туристлар ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (1160700 нафар, шундан 60700 нафар хорижий туристлар, 1100000 нафар маҳаллий) хорижлик туристлар 203 фоизга, яъни 62510 нафарга ошишига эришилди. Хоразм вилоятига хорижлик туристлар оқимининг кўпайишида халқаро авиақатновлар сонининг ортиши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (4-жадвал).

4-жадвал

Хоразм вилоятига 2013-2018 йилларда ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий туристлар сони¹⁶

№	Йиллар	Ташриф буюрган туристларнинг умумий сони	Шу жумладан		Улардан				
			Жами хорижий туристлар сони	Маҳаллий туристлар (ички туризм) сони	Европа қитъасидан	Осиё ва шарқий осӣ мамлакатларидан	МДХ давлатларидан	Америка қитъасидан	Африка қитъасидан
1	2013	73300	53300	20000	41980	7510	1731	1875	204
2	2014	67720	46220	21500	35102	7496	1942	1552	128
3	2015	63625	40825	22800	28094	7936	2669	1978	148
4	2016	75800	46600	29200	32314	9408	3049	1658	171
5	2017	1160700	60700	1 100 000	39128	12032	6089	3254	197
6	2018	1653665	123210	1 530 455	55348	53398	9995	4228	241
	Жами	3094790	370835	2723955	231966	97780	25475	14545	1089

Диссертацияда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, кейинги 3 йилда Хоразм вилояти иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги каби айнан туризм соҳасида ҳам инвестицион муҳит ва иқлим изчил равишда тобора яхшилашиб, инвестицион фаоллик барқарор ошиб бормоқда. Буни кейинги йилларда маҳаллий ва хорижий туристлар сонининг кескин ошиб бораётганлиги, туризмдан келаётган умумий ҳамда ўртача даромадлар ошаётганлиги, уй ва оилавий меҳмонхоналари каби турли жойлаштириш воситаларининг, туристларга кўрсатиладиган меҳмонхона хизматлари сони ва сифатининг изчил ошиб бораётганлиги, туризмнинг ЯХМдаги улушининг, соҳада бандлар сонининг, туризм соҳасига йўналтирилаётган ички ва ташқи

¹⁶ Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

инвестициялар, ўртача битта объектга тўғри келаётган инвестицияларнинг ҳажмининг йил сайин кўпайиб бораётганлиги вилоятда туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошаётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, таҳлил натижаларига кўра, агар маҳаллий туристларнинг Хоразм вилоятига ташрифларининг асосий мақсадлари ва мотивлари зиёрат, маданий-тарихий ва тарихий туризм бўлса, Европа қитъасидан келганларнинг Буюк ипак йўлини ўрганиш, археотуризм, Осиё ва Шарқий Осиё мамлакатларидан келадиган туристлар зиёрат, тарихий, экотуризм, МДХ давлатлари туристлари маданий-маърифий, гастрономик, экологик туризм йўналишида, Америка ва Африка қитъаларидан эса маданий-маърифий, экологик, зиёрат туризми мақсадлари бўйича ташриф буюришлари аниқланди.

Туристлар оқимини ва вилоят ҳудудлари туристик салоҳияти имкониятларини ҳисобга олиб, Хоразм вилояти туман ва шаҳарлари кесимида туризмнинг келтирилган йўналишларини ривожлантириш тавсия этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Хоразм вилояти ҳудудларида тавсия қилинаётган туризмни ривожлантириш йўналишлари¹⁷

Туман/ Шаҳар	Ривожлантириш тавсия қилинаётган туризм турлари	Ҳудуддаги туристик объектлар
Урганч шаҳри	Гастрономик, ишбилармонлик, маданий-кўнгилочар, оилавий, ёшлар, спорт, тиббий ва диний туризм.	Бой туризм инфратузилмаси, спорт мажмуалари, ОЎЮлари, хусусий тиббиёт клиникалари, маданий-кўнгил очар масканлар, Огаҳий театри, Авесто, Қатагон қурбонлари музейлари, Суръатлар галереяси, Шовот канали бўйидаги дам олиш масканлари ва ҳ.к.
Урганч тумани	Гастрономик туризм, маданий-тарихий туризм, ишбилармонлик туризми, экотуризм, агротуризм, спорт, тиббий ва от туризми ва ҳ.к.	Ҳудуддаги тарихий объектлар, овқатланиш муассалари, спорт мажмуалари, маданий-кўнгил очар масканлар, Амударё соҳиллари ва Шовот канали ҳудудлари, Улли ҳовли мажмуаси, вилоят от федерациясига қарашли фермер хўжалиги ва ҳ.к.
Хонқа тумани	Гастрономик туризм, ишбилармонлик экотуризм, агротуризм, тиббий туризм ва ҳ.к.	Ҳудуддаги овқатланиш, ишлаб чиқариш муассасалари, Хонқа санаторияси, маданий-кўнгил очар масканлар, Амударё соҳиллари, оромгоҳлар
Боғот тумани	Гастрономик туризм, тиббий туризм, ишбилармонлик туризми, эко ва этнотуризм, агротуризм, сафари туризми ва ҳ.к.	Ҳудуддаги овқатланиш, ишлаб чиқариш муассасалари, Амударё соҳиллари, қум зоналари, Қалъажик туристик мажмуаси ва унинг ҳудудидаги қалъа қолдиқлари, фермер хўжаликлари
Хазорасп тумани	Гастрономик туризм, маданий-тарихий туризм, ишбилармонлик туризми, экотуризм, этнотуризм, агротуризм, сафари туризми ва ҳ.к.	Ҳудудда жойлашган овқатланиш муассалари, Питнак эркин саноат зонаси, Амударё соҳиллари, қум зоналари, Туямуйин сув омбори ҳудудлари, Хазорасп шаҳри, Тупроққалъа ва бошқа қалъалар қолдиқлари
Янгиарик тумани	Гастрономик туризм, маданий-тарихий туризм, экотуризм, этнотуризм, сафари туризми ва ҳ.к.	Ҳудудда жойлашган овқатланиш муассалари, немис миллати вакиллари яшаган ҳудуд, Остона бобо тарихий маскани, балиқчилик кўллари, қум зоналари ва ҳ.к.

¹⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган

5-жадвал давоми

